

## **ЖАҲОН АДАБИЁТИДА БОБУР ШАХСИЯТИ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ** **Исроил Исомиддинович СУЛАЙМОНОВ**

Филология фанлари доктори  
Шароф Рашидов номидаги  
Самарқанд давлат университети  
Самарқанд, Ўзбекистон  
e-mail: [isroil-8103@mail.ru](mailto:isroil-8103@mail.ru)

### **Аннотация**

Ушбу мақолада Румер Годеннинг Захириддин Муҳаммад Бобур шахсияти ва ҳаётининг фаолияти ҳақида маълумот берувчи «Гулбадан», Вильям Рашбрукнинг «Ўн олтинчи аср бунёдкори» ва Фриц Вюртленинг «Бобур – йўлбарс» («Андижон шахзодаси») асарлари таҳлил этилади. Мазкур асарларда Бобурнинг сиймоси турли ракурсда, ҳар бир адибнинг ўз дунёқараши, услуби орқали тасвирланиши тадқиқ этилади.

**Таянч сўзлар:** Захириддин Муҳаммад Бобур, Румер Годен, «Гулбадан», Вильям Рашбрук, «Ўн олтинчи аср бунёдкори», Фриц Вюртле, «Бобур – йўлбарс», тарихий ҳақиқат, бадиий талқин, ижодий ўзига хослик, муаллиф маҳорати.

## **ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ЛИЧНОСТИ БАБУРА В** **МИРОВОЙ ЛИТЕРАТУРЕ**

**Исроил Исомиддинович СУЛАЙМОНОВ**

Доктор филологических наук  
Самаркандский государственный университет  
имени Шарофа Рашидова  
Самарканд, Узбекистан

### **Аннотация**

В данной статье анализируются произведения «Гульбадан» Румера Годена, «Строитель империи шестнадцатого века» Уильяма Рашбрука и «Бабур-тигр» («Андижанский принц») Фрица Вюртле, в которых приводятся сведения о личности и жизнедеятельности Захириддина Мухаммада Бабура. В этих произведениях характер Бабура изображен с различных ракурсов, через мировоззрение и стиль каждого писателя.

**Ключевые слова:** Захириддин Мухаммад Бабур, Румер Годен, «Гульбадан», Уильям Рашбрук, «Строитель империи шестнадцатого века», Фриц Вюртле, «Бабур – тигр», историческая правда, художественная интерпретация, творческое своеобразие, авторское мастерство.

Кейинги йилларда Шарқ ва Ғарб олимлари, адиблари томонидан Бобур шахсияти, ижоди ва у яшаган давр ижтимоий-сиёсий, маданий, адабий ҳаётига оид қатор асарлар яратилди. Айниқса, «Бобурнома»да келтирилган тарихий фактлар, воқеаларни бадиий талқинда тасвирлашга оид кўплаб

бадий, публицистик асарлар ҳам яратилдики, уларда буюк ватандошимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг сиймоси турли ракурсда, ҳар бир адибнинг ўз дунёқараши, услуби орқали тасвирланганини кўриш мумкин. Уларда Бобур шахсиятига муносабат, албатта, унинг тарихдаги ўрни, шоирлик истеъдоди, туркий насрнинг янгича услубида яратилган «Бобурнома»нинг жаҳоншумул аҳамияти ҳақида ҳар бир ижодкор ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда фикр юритгани кузатилади.

Румер Годеннинг «Гулбадан» [4], Вильям Рашбрукнинг «Ўн олтинчи аср бунёдкори» [5] ва Фриц Вюртленинг «Бобур – йўлбарс» («Андижон шахзодаси») [3] асарларида Бобурнинг шахсий ҳаёти, унинг XV аср охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистонда кечган ҳаёт йўлига оид тарихий ҳақиқат бадий талқинда ифодаланиши билан диққатга сазовордир.

Бу уч таржима асар бевосита «Бобурома»даги воқеликлар асосида яратилган, уларда тарихий ҳақиқат бадий талқинда ҳаёт тарзда берилган. Муаллифларнинг бадий тасвирида «Бобурнома»га ҳамоҳанглик, Бобур дунёқараши ва баён услубига яқинлик яққолроқ сезилиб турганидадир. Шунингдек, ушбу асарларнинг ўзбек тилига қилинган таржималари ҳам маҳорат билан, юқори савияда амалга оширилган.

Румер Годеннинг «Гулбадан» асарида муаллиф Ҳиндистонда уч асрдан зиёд вақт ҳукм сурган бобурийлар салтанатининг ёрқин намояндаларидан бири бўлган, ноёб истеъдод ва ақл-заковат соҳибаси Гулбадан бегим шахсиятини ўша даврнинг мураккаб, кескин тарихий воқеалари, тожу тахт курашлари, инсон руҳиятининг поёнсиз ғалаёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда, ўзига хос талқин ва маҳорат билан акс эттиради. Китобнинг биринчи қисми «Бобуршоҳ даври» ва иккинчи қисми «Бобуршоҳ» деб номланган бўлиб, боблар Бобурга бағишланган. Унда Бобурнинг қизи, Шарқда ягона тарихчи аёл Гулбадан бегимнинг таржимаи ҳоли ва тарихнавислик фаолияти ҳақида сўз боради.

Румер Годен Гулбадан яшаган даврнинг сиёсий жиҳатдан мураккаб давр эканлигини, айниқса у «... уч буюк ҳукмдор – отаси Бобуршоҳ, акаси Ҳумоюншоҳ ва жияни Акбаршоҳ даврини қамраб олган ўта мураккаб замонда умргузаронлик қилди ва Акбаршоҳ вафотидан икки йил аввал бу фоний дунёни тарк этди» [4; 7], деб таъкидлагани, Гулбадан бегим «Ҳумоюннома»ни яратишда ана шу мураккаб тарихий жараённинг шоҳиди бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Гулбадан бегимнинг «Отамнинг руҳини шод этиш умидида ушбу асарда подшоҳ бобом (Бобур – *тарж.*) ҳазратлари замонида бўлган воқеаларни ёзишга жазм қилдим» [4;9], деб таъкидлаши «Ҳумоюннома» асари «Бобурнома» таъсирида ёзилганлигини англатади, буни Румер Годен ҳам асарида алоҳида таъкидлаб ўтган. Шунинг учун Румер Годен ўз асарида бош қаҳрамон – Гулбадан бегимнинг иқрорига таяниб сўз юритади ва илмий хулосалар баён этишга киришади.

«Гулбадан» асари ҳақида сўз юритган Р.Годен «Муаллифнинг ифода услубида отаси Бобуршоҳнинг хотираномасида табиат манзаралари, гул-чечаклар, мева-чева ва паррандалар дунёсини тасвирлашда қўлланилган содда, аниқ ва ихчам иборалар кўзга яққол ташланади» [4;10], деб ҳақиқатни таъкидлайди. Р.Годен Бобур ҳақида публицистик, тарихий воқеаларни, «Бобурнома»даги тасвирларни сўзма-сўз келтириб таҳлил этмасдан кўп ҳолларда умумлашма таърифлар орқали баҳолашни афзал билади. Бу услубни кўплаб Ғарб адибларининг бадий асарларида ҳам кузатиш мумкин.

Ана шундай умумлашма хулосаларнинг бирида муаллиф Бобурнинг Ҳиндистондаги давлат бошқарувида аجدодларидан фарқли равишда салтанатни эгаллагандан кейин уни барқарор ривожлантириб, ўзидан кейинги авлодларининг мерос талашини илинжида салтанатни пароканда ҳолатида эмас, балки мустаҳкам империя тузиш лозимлиги йўлида тарбиялаганини маҳорат билан таъкидлайди: «Умрининг дастлабки йилларида оғир ва мусибатли кунларни бошидан кечирганда ҳам (мағлублик пайтларида ҳам – *муал.*) Бобур тушкунликка тушмаган. Аксинча, у ўзининг

буюк аждодлари билан, уларнинг тарих саҳифаларида қолдирган шонли ғалабалари билан фахрланар ва келажакка ҳамиша умид ва ишонч билан боқар эди. Ҳаётининг асосий қисми жангу жадаллар билан ўтган бўлса ҳам, у санъатга, гўзалликка интилиб яшаган, улуғ аждодларига муносиб инсон эди... Бобур бунёд этган давлат, гарчи боболариники сингари бепоён минтақаларга ёйилмаган бўлса-да, у ўз салатининг султони, буюк императори даражасига кўтарилди. Ўз мулкида бошқарув тизимини маҳкам тутиб, уни моҳирлик билан идора қилди. Бу ўлкани 332 йил давомида маҳорат билан бошқарган буюк сулолага асос солди» [4; 14-15].

Румер Годен Бобурнинг Кобулдаги ҳукмронлик фаолияти, Шайбонийхоннинг тинимсиз унга кўрсатган жабру ситамларидан маълум муддат нисбатан осуда, тинч ўтган дамлари, шеър ва ижод жараёни каби ҳолатлар (Бобурнинг ғолиблик даврини таъкидлаган ҳолда – *муал.*) орқали Бобурга баҳо берар экан, қуйидагиларни ёзади: «Кобул Бобур учун сўлим гўша ва хавфсиз бошпанагина бўлиб қолмай, бу шаҳар унга ўзлигини ҳам яннгитдан англашга шароит яратиб берди. Бу ерга келгунига қадар жангу жадаллар ва саргардонликлар ичра кечган Бобурнинг ҳаёт оқими унинг ҳассос, нозиктаъб қалбини ҳам дағаллаштириб юборган, буни унинг ўзи ҳам сезар эди» [4; 23].

Р.Годен Бобурнинг хотин-қизларга бўлган муносабатини, жумладан ўз оила аъзоларига муносабатини умумлаштириб, қуйидаги хулосага келадикки, бу биринчи навбатда, унинг асари Бобурнинг қизи Гулбадан бегим ҳақида бўлганлиги учун ҳам, бу мавзу бўйича сўз юритиши зарур бўлгандир, иккинчидан, асарининг икки боби Бобуршоҳга бағишланганлиги учун ҳам у, албатта, давр подшоҳининг бу хислатига алоҳида тўхталишни лозим деб билган. Лекин Ғарб олимининг Бобурнинг бу хислатига қай даражада ёндашгани биз учун аҳамиятлилиги боис, муаллифнинг бу фикрини келтиришни жоиз топдик: «Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Бобур, эҳтимол, қанча аёл тақдири учун масъул эканини билмаган бўлиши мумкин, лекин у ҳеч қачон аёл зотига қўл кўтарган эмас. У аёлларнинг ҳар бирига

муносиб тарзда муомала қилиш, уларни бир хил тураржой, бир хил миқдорда моддий маблағ билан таъминлашдек талабларни балки тўлиқ бажара олмагандир ҳам. Шу боис ҳам донишманд пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) умматлари бу таомилларнинг уддасидан чиқа олмаслиги мумкинлигини олдиндан кўра олган ва буни алоҳида уқтириб ўтган: «Ҳар қанча уринсангизлар ҳам хотинларингиз ўртасида адолат қилишга қодир бўлмайсизлар. Бас, бутунлай (суйган хотинингиз томонга) оғиб кетиб (кўнгилсиз бўлиб қолган) хотинингизни муаллақа каби ташлаб қўймангиз! Агар ўзларингизни ўнглаб Аллоҳдан кўрқсангизлар, албатта Аллоҳ маърифатли, меҳрибон бўлган зотдир» [4; 25–26]. Бундай иқтибосни Бобур номидан келтирган Румен Годеннинг ўзи билмаган ҳолда хотинлар олдидаги масъулиятдан, билмай қилинган камчилик ҳақида XX аср адибининг ҳулосаси сифатида қабул қилиш мумкин.

Румен Годен Бобурнинг адабиёт ва китобга ошнолигига оид умумлашма фикр билдирар экан, бу ноёб истеъдоднинг фақат сўз санъатига мойиллиги ҳақида эмас, балки унинг фарзандлари ҳам китобни ўзларига дўст тутишлари хусусида қайғурганлиги борасидаги қимматли фикрларни келтиради: «Бобур ўғилларининг адабиётга ошно бўлишини жуда-жуда истарди. Агар қисқа умри, асосан, жангу жадаллар ичида ўтмаганда, эҳтимол, у янада буюк адиб бўлиб етишармиди? Унинг қаламига мансуб «Бобурнома»га эътибор берсак, илҳом келганда у ўзига нисбатан жуда талабчан ва шу билан бирга, моҳир сўз устаси бўлганига, ҳар бир иборани ўта ҳассослик билан танлаганига ишонч ҳосил қилиш мумкин» [4; 34–35].

Румен Годен Бобур табиатидаги саҳийлик, ҳиммати баландликнинг бир нозик томонини топади, асарда характерли мисол билан уни кўрсатиб беради. Аслида жуда кўп Шарқ ва Ғарб олимлари, адиблари томонидан Бобур табиатидаги ҳиммати баландлик ва саховат ғолиблиги ҳақида қимматли фикрлар баён этилган. Аммо Румен Годен ана шу хислат билан бирга, Бобурнинг Ҳиндистонда ҳам, Кобулда ҳам кўплаб машҳур тарихий шахслар, зодагон сарой аёллари ёки унчалик маълум бўлмаган кишилар

исмларини номма-ном атаб, уларга тухфалар жўнатганлигини хайрат билан келтирар экан, унинг эслаб қолиш қобилияти – «қувваи ҳофизаси»ни алоҳида таъкидлаб ўтади.

Ҳиндистондаги Панипатда бўлган жангдаги ғалабадан кейин Бобур ҳисобсиз ўлжага эга бўлади ва бу бойликнинг катта қисмини жангда қатнашган беклар, лашкарлар қатори бошқаларга ҳам тақсимлаб беради, бу ҳолатни «Гулбадан» асарининг муаллифи унинг саховат бобида ҳам ғолиби мутлақ эканини таъкидлайди: «Қўлга тушган ана шу ўлжалардан Бобур Кобулдагилар учун ҳам ажойиб совғалар юборди. Совғаларни элтиш учун тайинланган масъул мансабдорга уқтириб шундай деди: «Мен сен билан Ҳинд элининг қўлимизга тушган асл моллари ва ажойиботларидан совғалар жўнатаяпман. Мен сенга рўйхат қилиб бераман ва сен уларни эгаларига элтиб берасан». Шуниси хайрон қоларлики, давлат ташвишлари билан доимо банд бўладиган шоҳ вақт топиб, Кобул ҳарамидагиларнинг ҳар бирини ёдда тутиб, ҳар бирига яраша совға тайёрлаб қўйган экан» [4; 42].

Бобур хислати ва характерини чизишда Р.Годен ўша давр султон ва подшоҳлари характеридан яққол фарқ қиладиган жиҳатларини топиб тасвирлашга, ана шу хисларларга алоҳида урғу беришга, уларни асарнинг марказига олиб чиқишга ва ўқувчининг диққатини шунга қаратишга интилади ҳамда ўзига хос умумлашма хулосаларга келади. Бир қараганда, Бобурдаги бу хислатлар XX аср китобхонига унчалик янгилик эмасдек туюлади, аммо бу бадий асарда Бобур шахсияти, унинг иродаси, китобдўстлиги, маърифатпарварликка ўчлиги ва бу хислатларни фарзандларида ҳам кўришни, зурриётларини ҳам китобга ошно бўлиб вояга етишини истган отанинг – Бобурнинг орзусини бадий тасвирлай олган. Шунингдек, Бобур ҳақидаги тарихий маълумотларни ўқиб, ўзлаштириб, улардаги сочма ҳолатдаги маълумотларни китобхонга яхлит, мантиқан тугал тарзда етказа олганки, бу асар муаллифининг маҳоратидан дарак беради. Шу ўринда ёзувчининг яна бир бадий маҳоратини айтиб ўтишни лозим топдик. Буни биз қуйида келтириладиган парчада Бобур характеригаги бир неча

жихат: унинг яшаш тарзи, лашкарбошилиги, китобдўстлик ва лашкарнинг сафар ҳаракатлари, уруш анжомлари нимадан иборат эканлиги ҳақидаги маълумотларни ҳам келтирадики, бу ҳолат Бобур ҳақидаги тасаввуримизни, таржимаи ҳоли бўйича маълум бўлмаган тарихий далиллар ҳақидаги қарашларимизни янада бойитади: «Бобур, иродаси мустаҳкам, қатъиятли шахс бўлиб, ўз олдига бир мақсад қўйса, уни рўёбга чиқармай қўймас эди. Гарчанд у шоҳ бўлса-да, умри мудом сафар ва юришларда ўтарди. Бу юришлар давомида у бир жойдан иккинчи жойга осонлик билан кўчар эди. Унинг сафардаги асосий юки чодирлар бўлиб, улар қисқа муддат ичида моҳирлик билан ўрнатилиб, зарур бўлганда осонгина йиғиштириб олинарди. Қўшин ўзи билан олиб юрадиган жиҳозлар асосан гиламлар, лўла болишлар, чивин ва пашшаларни ҳайдаш учун ишлатиладиган хушбўй гиёҳлар тутатиладиган махсус мосламалар, китоб мутолааси учун лавҳлар ва идиш-товоқлардан иборат бўларди... Бобур бошқа зодагонлардан ўзининг камтарлиги билан ажралиб турарди. Юришлар қанчалик оғир ва узок бўлмасин, бир неча ноёб китоблар ҳамиша унинг ҳамроҳи эди. У айниқса, жанговар отлар, бақувват ва чидамли туялар, қурол-аслаҳа ва совутларни жуда эҳтиётлаб асрарди [4; 50–51].

Умуман айтганда, Румер Годеннинг «Гулбадан» асари, Бобурнинг қизи Гулбадан бегимга бағишланган бўлса ҳам, асарнинг икки бобида адиб ўқувчига бадий-публицистик услубда Бобур шахсияти ва ижодининг нозик жиҳатлари ҳақида ҳам бадий тарзда тўхталиб ўтганки, юқорида унинг айрим жиҳатлари таҳлил этилди.

Яна бир асар – Вильям Рашбрукнинг «Ўн олтинчи аср бунёдкори» асарида тарихийлик ва бадийлик масаласи тадқиқ этилади. Бобур учун нисбатан мағлублик даври – икки хон додалари, Фарғона давлатидаги ғанимлари Аҳмад Танбал ва тоғаларининг ёш, давлатдорликда тажрибаси кам бўлган Бобурнинг бу вазиятидан фойдаланиб унинг укаси Жаҳонгир мирзони Аҳси давлатига шоҳ этиб тайинлаш пайтидаги воқеликни «Бобурнома»да муаллиф қуйидагича тасвирлайди: «...Али Дўст ва Қанбар

Али саллоҳ тавобиъ ва лавоҳиъи била бўлғайлар, яраш сўзини ораға сола кириштилар. Менинг ва менинг давлатхоналаримизнинг бу ярашдин асло илм ва хабарлари йўқ эди ва бизлар бу суратқа асло ризо бермас эрдук. ...агар буларнинг сўзига қулоқ солмай сулҳ бўлмаса, ўзга эҳтимоллари ҳам бор эди. Зарурат бўлди, бу йўсунлуқ сулҳ бўлдуким, Хўжанд сувининг Ахси тарафи вилоятлар Жаҳонгир мирзоға тааллуқ бўлғай, Андижон тарафи вилоятлар манга тааллуқ бўлғай» [1; 74].

Бобур учун мағлубиятни англатувчи ушбу мураккаб сиёсий ҳолатни, Бобур тақдирида юз берган воқеликни Вильям Рашбрук тарихчи, бадий асар муаллифи сифатида қўйидагича шарҳлайди: «...Бироқ ёш ҳукмдорнинг мулкига кўз олайтирган ёвуз кучлар ҳали тўлалигича бартараф қилинмаган эди. Мўғулларнинг улуғ хони бўлмиш тоғаси Маҳмудхон аллақачон Сирдарёнинг шимолий соҳилига етиб келиб, Султон Аҳмад мирзо билан аввал келишилган битимга кўра Ахсини бутунлай қамал қилди... Ёш Жаҳонгир мирзонинг бу ерда бўлиши унга содиқ кишиларни садоқат билан хизмат қилишга ундарди» [5; 36].

Вильям Рашбрук Бобур яшаган ва давлатчилигини тузган Ҳиндистон тарихига оид кўпгина тарихий асарларни, манбаларни жиддий ўрганган ҳамда асарида улардан бадий тасвирлар яратиш, айниқса Бобур бадий образини такомилга етказиб тасвирлашда унумли фойдаланган. «Ўн олтинчи аср бунёдкори» асарининг кириш қисмида унинг бу хислати ҳақида қўйидагиларни билдиради: «...В.Рашбрук бу асарида Бобур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган «Ҳабиб ус-сияр», «Хумоюннома», «Тарихи Рашидий», «Табақоти Акбарий» ва бошқа тарихий манбалардан фойдаланиб, Бобуршоҳ ҳақида анчагина илмий далилларни келтиради» [5; 5].

«Бобурнома»да Бобурнинг ўша пайтда стратегик шаҳар бўлган Қандаҳорни забт этиши борасидаги кўплаб тасвирлар келтирилади. Масалан, Бобурнинг ўз ғанимлари устидан ғалабаси, унга хос услуб ва фактларни келтириши: жанг майдонининг қисқа ва аниқ тасвири, курашда кимлар иштирок этгани, ҳужум, мудофаага ким масъуллиги, оддий лашкардан



тортиб таниқли бекларнинг исми, жанг майдонидаги жасорати батафсил баён этилади. Масалан, Қандаҳордаги кураш майдонидаги мана бу тасвирга эътибор берайлик: «Нақора унини эшитиб, бизнинг мутаважжих бўлғонимизни билиб, қарор тариқин унутуб, фирор йўлин тутти. Тенгри рост келтуруб, ёғийни қочуруб, Қандаҳор сори юруб, Фаррухзодбекнинг чаҳорбоғиғаким, бу тарихта андин асари қолмайдур, келиб тушдик... элнинг бошсизлиғини мулоҳаза қилиб, ўзга дарвозалар очилмади...Ўзим бир неча ичкилар била кириб, бошсиз элни отқулаб, сиёсат учун бир-икки кишини ҳам буюрдимким, ўлтурдилар» [1; 158].

В.Рашбрук Қандаҳорга доир шу каби тасвирларни «Бобурнома»дан ва бошқа тарихий манбалардан ўқиб ўрганади. Бу тарихий маълумотлар асосида ўзининг бадиий умумлашмаларини ифода этадики, бу унинг бадиий ижодга нисбатан анча қобилиятли бўлганлигидан далолат беради. Масалан, Бобурнинг ҳарбий маҳоратига хос мана бу тасвирлар В.Рашбрукнинг ўша давр тарихий манбаларини пухта ўрганганлиги ва бадиий асарида улардан унумли фойдаланганидан дарак беради: «У Қандаҳор адирларини ёқалаб борар экан, вақти-вақти билан одамларига дам берар эди. Икки минг кишилиқ аскарининг ярми мамлакат бўйлаб озик-овқат топиш учун тарқалиб кетган бир пайтда арғунлар олти-етти минг кишилиқ лашкари билан улар турган қароргоҳ олдиға қўққисдан хужум қилишди. Бу тенгсиз жангда Бобур мирзони икки нарса сақлаб қолди: уларнинг бири қўшин таркибидаги навкарлар орасида ўрнатилган темир интизом бўлса, иккинчиси, Бобур мирзо қўшинининг чап қаноти бўлди. Бу тараф устиға шох-шабба ташланган чуқур зовур билан ўралган бўлиб, душман кучлари анча катта бўлса ҳам бу ҳимоя тўсиғидан ўта олмади. Бобур мирзо одамларининг ҳар бири ўз бошлиғи ёниға ҳеч қандай саросимасиз бориб қўшилди. Ҳар бир бошлиқ ўзининг хужумкор қисм, марказий қисм, ўнг қанот ва чап қанотдаги эгаллаши лозим бўлган жойини аниқ билар эди. Ўнг қанот ва марказ уларға қаршилиқ қиладиган кучни орқаға қайтарар эди. Сўнгра чап қанотдаги қийин вазиятда қолган аскарларға ёрдамға ўтдилар. Душманға қарши ялпи хужум

эълон қилинганда, рақиблар лашкари тумтарақай қочиб қолган эди» [5; 106–107].

Ушбу тасвирда Вильям Рашбрукнинг бадиий маҳорати шундаки, у гўё Бобур лашкари иштирокчиси сингари жанг майдонини яққол тасвирлайди. Бунда ғолиб Бобур лашкарларининг рухий-психологик ҳолати ҳам, уларнинг шиддатли тўқнашув иштирокчиси бўлса ҳам вазиятни хотиржам ва сергаклик билан қабул қилишлари ҳам, ҳарбий интизомни тўла рисоладагидек назорат қилишлари ҳам табиий, бадиий тарзда ўз ифодасини топган. Бунда гарчи бош қаҳрамон Бобур сиймоси тилга олинмаган бўлса ҳам, ўқувчи уни зимдан тасаввур қилади, ундаги ғолиблик кайфиятини яқиндан ҳис этадики, бу ҳам асар муаллифининг бадиий маҳоратидан дарак беради.

В.Рашбрук «Бобурнома»да тасвири берилмаган икки йиллик воқеалар тасвирини ҳам беради. Жумладан, Бобурга қарши Абдураззоқ мирзо бошлиқ исён тарафдорлари ва Бобур томонидан бу хиёнаткорга нисбатан кескин чора кўргани тасвирини келтириб унга бадиий тус беради. Ўша дамдаги тарихий воқеаларда Абдураззоқ мирзо тўғрисида Бобур унинг исёнда иштироки борлиги ҳақида маълумот бермайди, аниқроғи бунга «Бобурнома»даги бу маълумотлар икки йил аввал содир бўлган ва уни олдиндан тасвирлаши мумкин эмасди. Икки йил кейин содир бўлган ушбу исёнга оид маълумотларни В.Рашбрук бошқа бир тарихий асардан олиб, ўз китобига киритган, унга бадиий тус берган кўринади. «Бобурнома»да ўқиймиз: «Қандаҳор фатҳидин сўнг Қалот ва Тарнук вилоятини Абдураззоқ мирзога иноят қилиб, Абдураззоқ мирзони Қалотга қўюлиб эди. Ўзбак (Шайбонийхон лашкарлари – *С.И.*) Қандаҳорни келиб қабағоч, Абдураззоқ мирзо Қалотга тура олмай Қалотни солиб чиқти» [1; 159].

Бу ўринда мазкур воқеа тасвирини В.Рашбрук қайси манбадан фойдаланган ҳолда киритгани муҳим эмас, асосийси, унинг тарих учун дахлдорлигида. Сабаби шундаки, адиб ўша давр воқеаларини бадиий тасвирлашда Бобур образи орқали унда содир бўлган мураккаб рухий-психологик вазиятни бадиий тарзда очиб бергани билан аҳамиятлидир. Асар

муаллифи Бобур шахсиятига нисбатан кўп хиёнатлар қилинганини, бу ҳолатлар «Бобурнома»да ҳам кенг тасвирланганини инобатга олган ҳолда худди шундай тасвирларни ўша даврдаги тарихий манбалардан топишга ҳаракат қилган, уларни асарига илова тарзида киритган. Яна В.Рашбрук асарида шундай тасвирлар берилади: «Аммо ўша даврда ёзилган тарихий манбаларга, айниқса Ҳайдар мирзо дўғлатнинг «Тарихи Рашидий» ва Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарларида шу пайтда қандай воқеалар содир бўлгани ҳақида аниқ фикр ва мулоҳазалар баён этилган. Уларда қайд этилишича, фитначиларнинг хатти-ҳаракатлари беклар ўртасида муҳокама қилинди ва ниҳоят, шахсан подшоҳ истагига биноан исёнчиларнинг таъзирини бериб қўйишга қарор қилинди. Исончилардан нақд бештасини Бобур мирзо бирма-бир ўз қиличидан ўтказди. Бундай жасоратни кўрмаган рақиблар ўз-ўзидан тумтарақай қочдилар. Подшоҳ жангда рақиблар устидин мутлақ ғолиб бўлди (Бунда В. Рашбрук Бобурнинг гарчи бир лаҳзалик бўлса ҳам рақиблари устидан мутлақ ғолиблиги ҳақида алоҳида эътибор бериб таъкидлайди – *С.И.*). У ношукур Абдураззоқни қўлга олиб, жанг тантанасини шу билан якунлади. Ғолибият нашидаси Бобур мирзонинг одатдаги саховатини янада ошириб юборди... Абдураззоқ кейинчалик яна исён кўтарган, лекин бу сафар унинг гуноҳи кечирилмаган ва қатл этилган» [5; 112].

В.Рашбрукнинг тарихий фактлар асосида илмий-бадиий асар яратишдаги маҳорати, энг аввало шунда кўринадики, у тарихчи олим сифатида Бобур ва унинг даврига тааллуқли барча маълумотларни мукамал ўрганган. Бобурнинг тарихий, ижтимоий, сиёсий ҳаётда тутган ўрни, унинг Хуросон, Мовароуннаҳр ва Ҳиндистон тарихида давлатчилик ташкил этиш, уларни ривожлантириш, Амир Темур эгаллаган ерларда мустаҳкам империя тузиш каби улкан мақсадлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлади. Шулар хусусида асарида илмий-бадиий мулоҳазалар юритади, уларни жиддий таҳлил этади. Бу маълумотларнинг кўпчилиги «Бобурнома»да ва юқорида тилга олинган тарихий асарларда ҳам мавжуд. Булардан ўринли

фойдаланган В.Рашбрук Бобур ҳаёти ва таржимаи ҳоли билан боғлиқ ҳолатларни, унинг бадий образини ўз дунёқараши воситасида баён этади. Бу масала Ғарб олимнинг Шарқ тарихи, маданияти, давлатчилиги ҳамда архитектурасига Мовароуннаҳр маданияти қай даражада таъсир кўрсатганини ифодалаб беради.

Фикримиз исботи учун қуйида В.Рашбрук асаридан яна бир мисол келтирамиз: «1520 йили Бобур мирзо Ҳиндистонга учинчи маротаба юриш қилди. У Кобулдан чиқиб, ўз ишончли кишилари бошқараётган Бажур вилояти ҳудуди оралаб юрди, тоғлар оша Ҳинд дарёсидан кечиб ўтиб, тўғри Бҳирага етиб келди. Бу ерда илгари унга бўйсуниб, подшоҳ кетгандан кейин яна ўзбошимчалик қилаётган исёнчиларнинг таъзирини берди, қишлоқларда талончилик қилаётган бир неча афғонларни ҳам чегарадан қувғин қилди. Сўнгра Бобур подшоҳнинг сиёсатидан беҳабар бўлган вилоятларда ҳам бўлиб, ниҳоят Сиалкотга етиб келди. Шаҳар дарҳол таслим бўлди ва Бобуршоҳ уларга ҳеч қандай озор бермади» [5; 133]. Бу парчадан ҳам Бобурнинг ўзига хос характерини – ўрни билан қаттиққўллик қилиши, ўрни билан меҳр-шафқат кўрсатиши каби жиҳатларни кўриш мумкин.

Умуман айтганда, британиялик шарқшунос ва тарихчи Вильям Рашбрукнинг «Ўн олтинчи аср бунёдкори» асарида Бобур шахсияти ва ижоди, ҳукмдорлик фаолияти, ҳарбий юришлари каби масалалар ўта маҳорат билан тасвирланган.

«Бобурнома» асосида яратилган асарлардан яна бири Австриялик немис олими ва ёзувчиси Фриц Вюртленинг немис тилида ёзилган «Бобур – йўлбарс» асаридир. Бу асар саргузашт қисса тарзида бўлиб, унда бадий-тўқима лаҳзалар учрайди. Бу тўқима образлар Бобур бадий образини юксалтиришга, унинг дунёқарашини янада ойдинроқ очишга, ёш шахзоданинг характер-хусусиятини гавдалантиришга хизмат қилган. Шунингдек, бу бадий образлар билан Бобурнинг муносабати, унинг руҳий изтироблари, қайғу аламларини ёрқинроқ тасаввур этишга йўналтирилган, бадий тўқима тарихий воқелик тарзида тасвир этилган.

Умаршайх мирзо вафотидан кейин Бобур қадимги удум ва анъаналар асосида «оқ кигиз»га ўтириши тантанасини Ф.Вюртле бадий тарзда, қуйидагича ифодалаб беради: «Оқ кигизнинг ёйилиши Заҳириддин Муҳаммад учун ишора эди. Унинг оқ оти ҳар томондан ўраб келаётган одамларнинг ярим доира ичидан ажралиб чиқди. От елиб борар, у бошқа эркакларга ўхшаб биллагига боғлаб юрадиган қамчинини бир марта ҳам ишга солмади. Барча нигоҳлар Заҳириддин Муҳаммадга йўналган эди, у ўқдек олдинга еларкан, «Аллоҳим! Ўзинг менга мадад бер!» дея шивирлади... Заҳириддин Муҳаммад бир сакрашда от устидан кигиз устига, Фарғона подшоҳлигининг барча даврларида, Заҳириддин Муҳаммаднинг отасига, унинг ота-боболарига шоҳлик мансабини ҳада қилган ўша оқ кигиз устига тушди» [3; 35–36]. Бунда ёзувчи Бобур бадий образини яратишда ўша давр тарихий асарларини пухта ўрганганлиги, уларда тарихий анъаналарга, урф-одатларга оид маълумотлардан Бобур тимсолини яратишда маҳорат билан фойдаланганини кўриш мумкин.

Ф.Вюртле асарнинг бадий қимматини ошириш мақсадида Умаршайх мирзонинг Бобурга ёзган васиятномасини садоқатли дўсти, Қосимбек орқали унга етказиш воқеасидан фойдаланади. Аслида бу васиятнома ёзувчининг тафаккур маҳсули бўлиб, «Бобурнома»да зикр этилмайди. Ф.Вюртле унга Бобурнинг хислатларини, ҳаётида содир бўлган зиддиятли воқеаларни умумлаштирган ҳолда киритади. Ёзувчининг бу топилдиғи ҳаётийлик касб этганки, гўё уни Умаршайх мирзо ёзгандек тасаввур уйғотади ўқувчида: «Фарғонанинг келгусидаги подшоҳи Заҳириддин Муҳаммадга! Ўғлим, сенга Аллоҳнинг ўзи ёр бўлсин! Отангнинг гапларига кулоқ сол. Биласанки, мен тинчликни яхши кўраман. Чунки тинч мамлакат бахтли мамлакат ҳисобланади. Бироқ менга хабар келдики Шайбонийхон, илоҳим Аллоҳнинг ўзи уни жазосини берсин, халқимизни қул қилиш, ўтлоқларини саҳрога айлантириш, молларимизни ҳайдаб кетиш мақсадида юртимизга бостириб келиш учун қўшин тўплаётган эмиш... Мабодо менга бирон гап бўлса, ҳамиша ёдингда бўлсин: кимки вақт синовларига дош бера оладиган уй

қуришни истаса, ғиштни тўғри терсин, қоришмани эзилган халқ кўз ёшидан тайёрламасин! Муқаддас китобимизда ёзилган гапни ёдингда тут – Аллоҳ ер ва осмонни бизга эрмак учун яратмаган. Тажрибали кишиларнинг маслаҳатларига қулоқ тут, енгилтаклик қилиб уларни эътиборсиз қолдирма. Бироқ маслаҳат берган ҳар қандай одам ҳам тажрибали ҳисобланавермайди. Сен эса, менинг ўғлим ва меросхўримсан. Сен ёшсан, жасурсан, ҳамиша ақлли ва мулоҳазали бўл» [3; 46–47].

Бизнингча, Ф.Вюртле ушбу васиятномани ёзаётганда Бобурнинг ўғли Комрон мирзога ёзган васиятномасини асос қилган кўринади. «Бобурнома» иловасида бу васиятнома матни келтирилган: «...Ул элдин имтиҳон қилиб, эшикинга йўл беруб, вакили мутлақ этиб, ғофил бўлмағайсан. Кичик ёшлиқ эрса алардин кенгаш сўруб, маслаҳат тилаб, аларнинг сўзи била амал қилиб, асло ва мутлақо ҳеч муҳимга иштиғол қилмағайсан... Хушомадгўй сўзларига фирифтайи бўлуб, давлатхоҳларким давлатга муносиб сўзларни эшитиб, кўруб-билиб келиб юзингга қоттиқ айтурлар аларга аччиқланмағайсен... Масалдурким, дўст йиғлатур, душман кулдира айтур. Дўсту душманни тониб, бу мазмун ила амал қилғайсен» [1; 332]. Агар ҳақиқатда Ф.Вюртле Бобурнинг ўша васиятномасини асос қилиб олган бўлса, бу тарихий факт айни вазиятда жуда ўринли бадиийлик касб этганини кўриш мумкин. Сабаби, бу васиятномадаги фикрлар Бобурнинг Комронга ёзган васиятномаси мазмунига мувофиқ келадиган тарзда ифодаланган. Бу ҳолат асарнинг бадиийлик қимматини оширган.

Ф.Вюртле Бобурнинг юқорида Комрон мирзога ёзган васиятномасидаги хушомадгўй кишилар ҳақидаги қарашларидан Бобурга берган васиятномада фойдаланганки, бу ҳам адиб қиссасининг бадиийлиги янада ошишига хизмат қилган. «Кимки подшоҳни кўрганда шаҳзодани кўрганидагига нисбатан хушмуомалалироқ бўлса, ундай одамнинг ақлсиз бошини уздириб ташла. Ким сенга садоқат билан хизмат қилса ва хушомадгўйлик қилмаса, ундай одамни ёнингда сақла ва маслаҳатига қулоқ сол. Бу ўзинг учун ҳам, халқ мафаати учун ҳам фойдали» [3; 47].

Ф.Вюртле асарида тарихий воқеаларни бадиий тасвирлашда юқорида таҳлил этилган икки адибдан кўра бадиийликдан кенг миқёсда фойдалангани сезилиб турибди. У бадиий тасвир воситаларидан, бадиий тўқимадан жуда кенг тарзда фойдаланган. Буни Қосимбек тасвирида, васиятнома масаласида ва асосийси, Умаршайх мирзонинг жардан кулаб вафот этиши воқеасида теранроқ англаймиз. Ёзувчи Умаршайх мирзо ўлимини бахтсиз тасодиф эмас, балки унга нисбатан қилинган суиқасид тарзида тасвирлайди. Шунингдек, муаллиф асарида Бобур билан боғлиқ сиёсий-ижтимоий, ҳарбий воқеалар ва низолар, садоқат ва сотқинлик каби масалаларга алоҳида урғу беради.

Хуллас, юқорида кузатилган асарларда гарчи асосий тарихий воқелик манбаси «Бобурнома» материаллари бўлса-да, улардан ҳар бир ижодкор ўз илмий-бадиий маҳорати, дунёқариши ва имконияти даражасида фойдаланган. Улар асарларида асосий эътиборни Бобурнинг шахсиятини очиб беришга, унинг давлатдорлик фаолияти ва ўзига хос характерини яратишга ҳаракат қилган. Бу асарлар тарихий фактларга таянган ҳолда бадиийлик тамойилларига амал қилинган ҳолда яратилган. Шу боисдан уларда баъзан тарихийликдан узоқлашиш, бадиий тўқимага эътибор бериш, «Бобурнома»да мавжуд бўлмаган фактларни ҳам киритиш ҳоллари кўзга ташланади. Бу албатта, бадиийлик талаби, ҳар қандай бадиий асар бундан холи бўлмайди. Асосийси, ҳар бир ижодкор Бобур образини ўзига хос ва мос тарзда, ўз савиясидан келиб чиққан ҳолда яратган ва бу асарлар ўз илмий-бадиий қимматига эгадир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. /Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 336 б.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 744 б.
3. Вюртле, Фриц. Андижон шахзодаси («Бобур – йўлбарс»). Саргузашт-қисса. – Тошкент: Ўқитувчи, 2012. – 158 б.

4. Годен, Румер. Гулбадан. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 175 б.
5. Рашбрук, Вильям. Ўн олтинчи аср бунёдкори /инглизчадан Ғ.Сотимов ва Х.Сўфиева ўзбек тилига таржимаси). – Тошкент: Шарқ, 2011. – 206 б.
6. Arat, Reşit Rahmeti [Doğu Türkçesinden Çeviren]. 1987, Gazi Zahirüddin Muhammed Babur. Vekayi Babur'in Hâtirati I, (=Türk Tarih Kurumu Yayinlari II, 5a1), Ankara.
7. Arat, Reşit Rahmeti [Doğu Türkçesinden Çeviren. İzahli İndeksi ve Notlari Hazirlayan], 1987, Gazi Zahirüddin Muhammed Babur. Vekayi Babur'in Hâtirati II, (=Türk Tarih Kurumu Yayinlari II, 5b1), Ankara.
8. Beveridge A.S. The Bābur-nāma in English (Memoirs of Babur), Translated from the Original Turki Text of Zahirü'ddin Muhammad Babur Padshah Ghazi by Annette Susannah Beveridge, 2 Vols., – London, 1922; Repr, in one Volume, – London, 1969; – New Delhi, 1970; – Lahore, 1975.
9. Bacque - Grammont J.L. Le livre de Babur. – Paris, 1980.
10. Zahiruddin Muhammad Babur Mirza. Bâburnâma I, (= Sources of Oriental Languages and Literatures 18), Cambridge: Harvard University Press, USA. Thackston, W.M., 1993.
11. Zahiruddin Muhammad Babur Mirza. Bâburnâma II, (= Sources of Oriental Languages and Literatures 18), Cambridge: Harvard University Press, USA. Thackston, W.M., 1993.
12. Zahiruddin Muhammad Babur Mirza. Bâburnâma III, (= Sources of Oriental Languages and Literatures 18), Cambridge: Harvard University Press, USA.
13. Eiji Mano. Bābur-nāma (Vaḳāyi). Critical Edition Based on Four Chaghatay Texts with Introduction and Notes. – Kyoto, Shōkadō, 1995.
14. Harold Lamb. Babur the Tiger. – New-York, 1961.
15. The Baburnama. Memoirs of Babur, Prince and Emperor, Translated, Edited, and, Annotated by Wheeler. M., Thackston. – New York & Oxford, 1996.